



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA
MAX'SUS TA'LIM VAZIRLIGI
A. QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT
PEDAGOGIKA INSTITUTI**



**CHET TILLARINI O'RGATISHNING TURLICHA
YONDASHUVLARI: MUAMMO VA YECHIMLAR**
Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari 2021 yil 1-iyun

**Proceedings of the International Scientific-Practical
Conference**
**DIFFERENT APPROACHES TO FOREIGN LANGUAGE
TEACHING: PROBLEMS AND SOLUTIONS**
2021 June 1

Jizzax 2021

o‘z ichiga oluvchi hamda so‘zlovchi va ma‘lum nutqiy vaziyat mavjudligini taqozo etuvchi alohida maqsadli harakat nutqiy harakat hisoblanadi. Har qanday nutqiy harakatda so‘zlovchining ma‘lum niyatlari mavjud bo‘lib, unga bog‘liq holda ma‘lumot beruvchi, undovchi, so‘roq, tasdiq, inkor, deklarativ, verdiktiv (hukmli) verbal va noverbal va boshqa nutqiy harakat (akt)lar alohida ajratiladi.

“Adabiyot atomdan kuchli. Lekin uning kuchini o‘tin yorishga sarflamaslik kerak”. Sevimli adibimiz Abdulla Qahhor tomonidan aytilgan bu ibratli so‘zlar nechog‘lik haqiqatga molik. Sir emas, atom jamiki insoniyat, nafakat insoniyat balki butun borliqqa xavf soluvchi dahshatli qurol. Ammo unga qarshi chora-tadbirlar ishlab chiqish, turli muzokaralar yo‘li bilan kelishuv bitimlariga erishish mumkin. Ammo biz tuxtalmokchi bo‘lgan adabiyot har qanday buzg‘unchilig-u bunyodkorlikning tashkilotchisi va bajaruvchisi hisoblanmish insonning ongu-tafakkuri, tarbiyachisidir. Ayni o‘rinda rus elining tanti shoiri Esenin qalamiga mansub ushbu satrlarga e‘tiboringizni qaratmokchiman;

Gudaklikdan ma‘lum har odam, bola boshdan degan gap to‘g‘ri. Mabodo men shoir bo‘lmasam, bo‘lar edim bezori, o‘g‘ri.

M.Seralin o‘zi muharrirlik qilgan “Aykap” jurnalida: “Til va adabiyot xalqning qalbi va ruhidir... adabiyotsiz xalq zabonsiz boladay gap. Bunday bola boshqalarga o‘zining dardu quvonchlarini gapirib berolmaydi. Xalqlarni bir-biriga yaqinlashtiradigan eng kuchli vosita til va adabiyotdir. O‘z adabiyotining haqiqiy qadr-qimmatini bilgan xalqlarning farzandlarigina o‘z tilini chinakam ardoqlay oladi. Qozoq xalqining o‘z tili va o‘z adabiyoti bor... bizning burchimiz unutilib yotgan ulkan xazinalarni yuzaga olib chiqish va hammaning mulkiga aylantirishdir. Adabiyotimizning tasvir ob‘ekti – xalqimiz turmushi. U o‘z tarixiy taraqqiyotida xalq hayotini, kurashini, orzu – armonlarini, his-tuyog‘ularini, fikr-xayollarini badiiy aks ettirib rivojlandi, benihoya yutuqlarni qo‘lga kiritdi. SHunday qilib u mamlakatimizning guli bo‘lgan, mamlakat kuch-quvvati va istiqbolining egasi bo‘lgan millionlab va o‘n millionlab mehnatkashlarga xizmat qiladigan, jahonda eng ilg‘or, eng g‘oyaviy, eng xalqchil adabiyotning ajralmas bir qismi, uning tarkibidagi peshqadam va etakchi adabiyotlardan biri bo‘lib qoldi”.¹⁹

Yozuvchining ijod mahsuli bo‘lgan badiiy asarlar turmushni jonli ko‘rsatib, odamlarning fikr tuyg‘ulariga kuchli ta‘sir qiladi. Keng, aniq va badiiy chuqur fikr-his jihatidan to‘la adabiy asarlar o‘quvchini uzoq vaqt o‘ziga bog‘lab, asir qilib oladi. Adabiyot turmushni aniq badiiy umumlashtirib, jonli anglatadi. Davrni aks ettirib, to‘lqinlantiradigan ulug‘ g‘oyalar, vazifalar, millionlarning hayotida ko‘rilgan o‘zgarishlar san‘at asarlarida gavdalanadi.

Nima bo‘lganda ham adabiyot o‘ziga do‘st tutinganlarga xiyonatni ravo ko‘rmagan. Chunki, adabiyot ko‘ngil amri. Kungil esa hech qachon yomonlikni istamaydi. Yuqoridagi dalillarga asosanib aytish mumkinki, adabiyot nafakat bir insonni, balki butun millatni yorug‘likka olib chiqishi mumkin. Chunki adabiyot go‘zallikni sevadi. Insoniyatni ham go‘zallikka chorlaydi. Har bir komil insonning ham asosiy maqsadi dunyoni go‘zal manzaralarda ko‘rish ekanligi tabiiy.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, yozuvchining mahorati ham asarni jonlantirish. Jonlantirish esa matnda psixolingvistik vositalardan mohirlik bilan foydalanishdir. Bu vositalar o‘quvchining psixologiyasiga u yoki bu tarzda ta‘sir etib, o‘zgacha dunyoqarashni shaklanishiga olib keladi. Shuningdek badiiy asar orqali boshqa mamlakat yoki qit‘a xalqlarining hayoti, turmush tarzi, madaniyati, urf-odati, tarixi, adabiyoti va ilmu fani bilan tanishamiz. Xuddi shunday tarzda dunyo xalqlari ham adabiyot orqali o‘zbek xalqining ma‘naviy hayotidan

¹⁹Сералин М. “Айқап” журналининг 1922 й. 1-с.

habardor bo‘ladi. Davlatlar o‘rtasidagi adabiy aloqalar zaminini ham adabiyot tashkil qiladi. Tarjima orqali milliy adabiyotimiz turli janrlar bilan boyiydi.

Foydalangan adabiyotlar ro‘yxati:

1. Karimov I.A. Ozod va erkin hayot pirovard maqsadimiz. T.8. – Toshkent: “O‘zbekiston”, 2000. – 548
2. Yo‘ldoshev M. Badiy matn lingvopoetikasi – Toshkent. Fan . 2008.– 159 b.: 30-, 31-b.
3. YOqubov O. “Ko‘hna dunyo”. T.: 1983. -506.
4. Jabborov I.M. O‘zbek xalq etnografiyasi. T., 1990. -197.
5. Jaloliddin R. Ma‘naviy masnaviy. T., 1-kitob 1999.

АГРАР СОҲАСИГА ОИД ТЕРМИНОЛОГИЯНИНГ ЛЕКСИК- СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ (НЕМИС ТИЛИ МИСОЛИДА)

Ҳайитова Гулшан Баходировна
БухДУ Немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Мақола немис ва ўзбек тилларининг аграр соҳасига оид терминологиянинг шаклланиши, лингвистик таҳлили, лингвокультурологик хусусияти ва уларнинг терминосистемадаги ўрнига бағишланган.

Калит сўзлар: аграр, термин, терминология, морфема, лексема, матн.

Аграр соҳасига оид терминология жамиятда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Дунёнинг бугунги шароитида оммавий ахборот воситалари турли иқлим ўзгаришлари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, мураккаб иқтисодий жараёнлар, шунингдек пандемия шароитида аграр соҳаси улкан ўзгаришларга дуч келмоқда. Ушбу жараёнларни ёритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари аграр соҳаси терминологияси билан мунтазам “тўқнашадилар”. Шу боис аграр соҳасига оид терминларни сиёсатчилар, журналистлар, дипломатлар, ҳатто, оддий инсонлар нутқида ҳам учратишимиз муқаррар[3;144].

Шуни қайд этиш керакки, аграр соҳаси оид терминларга мурожаат бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири саналади, чунки дунёдаги турли иқлим ўзгаришлари, ижтимоий-сиёсий воқеалар ва давлатлараро зиддиятлар туфайли оммавий ахборот воситаларида унинг кенг миқёсида ва мунтазам равишда қўлланилиши ушбу соҳанинг доимо диққат марказида эканлигидан далолат беради. Аграр соҳасига оид терминология турли матнлар (дискурс), турли вазиятлар (контекст)да ишлатилишидан ташқари, у жадал ривожланиш анъанасига эга бўлган илмий-техник соҳаларда ҳам қўлланилиши табиий ҳол.

Аграр соҳасининг кўп қирралиги уларнинг корпоратив манфаатлари чекланмаганлиги билан белгиланса-да, маълум даврга хос лингвокультурологик хусусиятни акс эттириб, миллий тилда босқичма-босқич шаклланадиган терминларнинг тарихий ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Шу маънода тарихий воқеа-ҳодисаларни таржимада қайта тиклаш, муайян халқнинг лингвокультурологик масалаларини, миллий урф-одатларини таржима матнида тўлақонли тасвирлаб беришда аграр соҳасига оид терминларнинг аҳамияти ғоят муҳим. Аграр терминларнинг ривожланиши ва шаклланиши ижтимоий-иқтисодий ҳаёт шаклланинг тараққиёти билан

узвий боғлиқ бўлиб, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий-маданий фаолиятнинг муваффақиятини ҳам ўзида акс эттиради.

Немис тили аграр соҳаси терминларининг лингвистик таҳлили уларга оид номинатив-функционал хусусиятларнинг ҳаммиша ҳам бир хил эмаслигини кўрсатди. Немис тили аграр терминологиясида мутлақ ва аниқ семантик чегараларга эга бўлган бир маъноли терминлар билан бир қаторда, кўп маъноли терминларни ҳам учратишимиз мумкин. Масалан: Land термини – 1) ер; 2) куруклик; 3) мамалакат; 4) ўлка; 5) экин майдони маъноларини англатади[1].

Субстантивация ҳодисасига учраган Bauer термини 1) дехқон; 2); фермер 3) курувчи; 4) кафас; 5) ишлаб чиқарувчи; 6) пиёда(шахмат) каби маъноларни ўз таркибига камраб олган. Шу сабабли бир компонентли терминларнинг кўп маънолилиги уларни тўғри тушуниш ва таржима қилишда қийинчилик туғдиради, уларни айнан ифодалаш эса матн ва вазиятга қараб белгиланади.

Шунингдек, аграр соҳасига оид терминларнинг номинатив-функционал жиҳатдан уларни номлаш тушунчалари акс этади. Масалан: Milchverarbeitung – сут қайта ишлаш; Baumwollanbauer – пахта етиштириш; jäten – бегона ўтни олиш; Erntezeit – йиғим терим пайти.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳаларига оид фанлар, хусусан агротехниканинг жадал ривожланиши туфайли янгидан-янги терминлар ва терминологик бирикмалар пайдо бўлмоқда. Экстралингвистик омиллар асосида терминларнинг жадал ривожланиши терминологияни тартибга солиш (унификация қилиш)ни ва меъёрлаштиришни талаб қилади.

Деярли барча мамлакатларда илмий терминологияни бир хиллаштириш мақсадида махсус терминологик комиссиялар тузилган, махсус терминологик маълумотномалар, кўп тилли ва изоҳли луғатлар, билим соҳалари бўйича тезауруслар нашр қилинмоқда. Бу узоқ давом этадиган ва мураккаб иш бўлиб, аграр соҳаси матнларни тушунишда, расмий ҳужжатларни тўғри таржима қилишда чалкашлик юзага келмаслиги, сўзлардан фойдаланишнинг тартиби бузилмаслиги учун кун сайин долзарблик касб этмоқда. Худди шундай ишларни амалга ошириш учун мамлакатимизда ҳам давлат раҳбарининг фармониغا биноан ўзбек тилининг дунё микёсида нуфузини ошириш, ўзбек тилига четдан кириб келаётган кўплаб терминларни “филтрлаш” мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон Фармонини ижро этиш юзасидан 2019 йил 12 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ўз фаолиятини йўлга қўйди.

Аграр соҳасига оид лексика ва тушунчаларни англатувчи лексик бириклар учун номинатив вазифани бажарувчи барча сўз ва сўз бирикмалари киради. Яъни, қишлоқ хўжалиги соҳаларига оид, жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экиш, парваришлаш, етиштириш, йиғиб олиш, агротехника, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари зараркунандаларига қарши кимёвий воситалар, паррандачилик, қоракўлчилик, йилқичилик ва ҳоказолар билан бевосита боғлиқ тушунчалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари аграр соҳаси лексика ва тушунчалар билан боғлиқ ҳолда қўлланиладиган илмий-техник, нуфузли қишлоқ хўжалиги ташкилотлар номлари, норасмий сўзлашув доирасида ишлатиладиган тил бирикларини ҳам киритиш лозим.

Аграр соҳасига оид лексиканинг турли тармоқлари ҳақида сўз юритилганда эса, биринчи навбатда, қишлоқ хўжалиги тизимида ишлатиладиган терминлар ва лексемалар, сўз бирикмаларни таъкидлаш ўринли. Бунга деҳқончилик, чорвадорлик, балиқчилик, паррандачилик ва б. соҳаси ишчилари ҳаёт тарзи, ташкилот, агротехника, бинолар, агротехник тадбирларнинг умумий тушунчаларини ифодаловчи лексемалар ва сўз бирикма шаклидаги терминлар киради[2;23].

Шунингдек, қишлоқ хўжалигининг айрим соҳаларида қўлланиладиган ва улар учун маълум бўлган бир қатор терминлар ва сўз бирикмалар мавжуд. Масалан: якка ва туб морфемадан иборат қуйидаги терминологик бирликларни мисол сифатида келтиришимиз мумкин: Verbrauch – сарф; Bewässerung – суғориш; Düngung – ўғит. Икки, уч ва ундан ортик компонентли терминларга қуйидагилар мисол бўла олади: landwirtschaftliche Produkte – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари; einjährige Anbaukultur – бир йиллик экин тури; Nahrungsmittelproduktion – озиқ-овқат ишлаб чиқариш кабилар шулар жумласидандир.

Терминларда моносемантикага хос изчиллик, тизимлилик, қатъиятлик бир маънога мойиллик хусусиятлари мавжуд бўлиб, у ўзининг бўёқдорликдан ҳоли эканлиги, услубий бетарафлиги билан ажралиб туради. Терминнинг ўзига хослиги шундаки, у касбий, илмий - услубдаги матнларда фаоллашади, фундаментал мутаносиблик, аниқлик, ихчамлик, номинатив-функционаллик, ўзига хос вазифага эга эканлиги, услубий бетарафлиги, кенг маълумотни қамраб олиши билан тавсифланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Langenscheidts Großwörterbuch] / [W. Duda u. a.] [5. Aufl.]. - Berlin [u. a.] Langenscheidt, 2001.
2. Дуброва Ю.Ю. Структурно-содержательная специфика многокомпонентных терминов (на материале военных документов): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -М., 2015. – С. 23.
3. Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг айрим масалалари, -Т., Фан. 1977. – Б. 144.

ANTONYMY OF PHRASEOLOGICAL UNITS

Jabbarova Anora, Associate Professor

Mamarasulova Iroda, Master Student Jizzakh State Pedagogical Institute

Abstract: *This article is about antonymic relationship of phraseological units. It discusses semantic features, semantic meanings and opposite meanings of phraseological units. There are given examples in English and Russian.*

Key words: *phraseological units, antonymic relationship, semantic features, semantic commonality, partial compatibility.*

Phraseological units can also be a lexical, antonymic relationship. The most important semantic features of antonyms are the opposite meaning and semantic commonality, that is, similar lexical and phraseological antonyms must express the same general concept. Another in the work of a number of researchers is that the obligatory sign of antonyms is at least partial compatibility [Alexina, 1978; Stishkova, 1977; Emirova, 1988]. Phraseological phenomena antonymy A.I. studied by scientists such as. Alexina, E.R. Mardiev, L.I. Stishkova, A.N. Emirova, but in general, it should be noted that antonymy lexical units are much more deeply developed than the antonymy of phraseological units [Alexine, 1978; Mardieva, 2003; Stishkova, 1977; Emirova, 1988]. This fact is emphasized in his works by A.I. Alexina

Г. Б. ХАЙИТОВА , -Аграр соҳасига оид терминологиянинг лексик- семантик хусусиятлари (немис тили мисолида).....	279
A. JABBAROVA, I.MAMARASULOVA , - Antonymy of phraseological units	282
D.G'.JO'RAMURODOV , - No, kyougen va kabuki - yapon teatrlarining o'zaro farqli tomonlari.....	284
N. D. JURAYEV , - O'zbek tilidagi "til" mavzuviy guruhiga kiruvchi maqollarning semantik o'ziga xosligi	286
M. KHUSANOVA , - Discourse as an object of linguistic research	289
M.ALLAMBERGENOVA , - O'rxun-Enasoy obidalarining Qozog'istonda o'rganilishi	292
M. ЗОКИРОВА , - Основы «классической» парадигмы школ	295
G.H. MADAMINOVA , - Analysis of paremias representing the relationship between men and women in the Uzbek language	298
F.Z. MAMARIZAYEVA , - Badiiy asarlar tarjimasida jarayonida realiyalarning ifodalanishi tahlili s.ahmadning "jimjitlik" romani misolida	300
SH. MASHRABJONOVA , - Theoretical foundations of reading comprehension.....	302
A.B. MURTAZAEVA , - Menejment talabalari uchun aloqa qobiliyatlarining muhimligi va ularni rivojlantirish ahamiyati.....	305
P. НАРБЕКОВА, Г.БОЛТАЕВА , - Маргарет Митчелнинг "Шамолларда колган хисларим" романи эпик асар сифатида	308
И.К. ҚОРАБОШЕВ , - "Алвидо, қурол!" романида қахрамонлар нутқининг лингвистик, стилистик ва прагматик хусусиятлари	310
SH. SHOIMOV, F. SHOIMOVA , - Using antonyms pair in proverbs and saying.....	314
M.A. TURAYEVA , - The importance of lexical interference in the study of a foreign language	316
И.М. ХАМРОЕВА , -Историческое изменение взглядов на категорию рода имен существительных	318
SH.T. XAYDAROVA , - Evfemizmlarni pragmatik nuqtai nazardan o'rganish	321
Y.RUZIEV , - A comparison of the use of the past tenses in German and English	323
Z. YAKHSHIEVA , - Development of tourism in the internet space	327
АБДУЛЛАЕВА ОЗОДА , - Тилшуносликда "интенсивлик" тушунчаси	330
Н.Х.АЛИЕВА , - Структурно-семантические особенности фразем в английском, русском и узбекском языках	332
А.Е.БОЙМАТОВ, А.А.БОЙМАТОВ , - Асарлар таржимаси хусусида	335
А.А.ГАФФАРОВ , - Фонологические показатели рода французского существительного	338
А.А.ГАФФАРОВ , - Выражение рода в письменной и устной речи	342
Ж.С.МАМАТҚУЛОВ Бадий адабиётда романнинг тутган ўрни ва ахамияти хусусидаги мутафаккирларимиз мулоҳазаларининг таҳлили.	344
З.Б.СОБИРОВА Лингвотипологик таҳлилда "Гарри Поттер" асарида замон ва маконнинг ифодаланиши.	348
Х.Н. ИРГАШЕВ, Д.Н. АСКАРОВА , - Культура - это все элементы языка, эмоций, мышления, веры, искусства и жизни, которые действительно в обществе и продолжают оставаться традицией.	352